





2008 йил – Ёшлар йили

### ЎҚИШНИ ЛИЦЕЙДА ДАВОМ ЭТТИРИШМОҚЧИ

Бугунги кунда ота-оналар, муаллимлар, турли соҳа тарбиячи-мутахассислари олдида ёшларни қишлоқ вазиёти билан таълим олишда масъуллик вазиёти бўлмас керак. Зеро, ҳар томонлама камол топган ёшлар – юртининг келажагига эмас, куч ва қудрати ҳамдир.

ёзган асарлар ва бадий-спорт чиқишларини меҳмонларга намойиш этидилар.

Бу сафарги фестивал ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Академик лицейнинг 40 дан ортиқ ўқувчилари, меҳмон бўлиб келган 650 нафарга яқин битирувчи синф ўқувчилари лицейда олиб борилаётган маданий-маърифий ишлар, ўқув жараёнида ҳақиқат бағрига сўзлаб беришди. Меҳмонлар очик дарсларга таклиф этилди. Уларда интернет тармоғига уланган компьютер хонаси, ахборот-ресурс маркази ва фойдаланувчи яратилган

шароитлар катта қизиқиш уйғотди. Иштирокчилар лицей директори Дилфуза Хусанова, шунингдек, Меҳри Хикматуллаева, Ражаб Шерофиннинг чиқишларини диққат билан тингладилар.

Битирувчи ўқувчиларнинг кўпчилиги 2008-2009 ўқув йилини академик лицей бағрида давом эттириш ниятида эканликларини билдирдилар.

**Гулнора РАҲМЕДОВА,**  
Янгийўл академик лицейи раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари.



### Тажриба

### Ўқувчи – устоз вазиётида

Ўқувчиларда ўз хатти-ҳаракати учун масъулият туйғусини тарбиялаш янги авлоднинг камол топтиришининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Туманимиз мактабларида ҳар жума ўзини ўзи бошқариш кўни деб эълон қилинган. Шу кўни ўқувчилар ўқитувчи, раҳбар, илмий мудири вазиётида иш юритишади, дарс машғулотларини олиб боришади.

Биз мактабимизда шу кўнларда математика фани оилани ўқатаемиз. Фан ўқитувчилари ноънавий дарслар ташкил этиб, бир-бирларининг машғулотларини кузатишапти. Айниқса, 6-синфда "Санамай саккиз дема", 5-синфда "Қасрларни ўрганишимиз", 11-синфда "Интеграл" дарслари одатдагидан ўзгача бўлди. Навбатдаги жума – ўзини ўзи бошқариш кўнида эса, ўқувчилар устоз вазиётида иш олиб боришади, дарс машғулотларини ўз ўқитувчилари услубида ташкил этиши ва кузатувчиларни хайратда қолдириши. Айниқса, 5-синф ўқувчилари билан машғулот олиб борган 6-синф ўқувчиси Бахтигул Шербекова мавзунини кўргаз-

мал баён қилиб, самарали натижага эришди. Машғулот ўқувчилар билимини кичик-кичик гуруҳларда синаб кўриш билан яқунланди. Билимларни баҳолашни эса ўқувчиларнинг ўзларига қўйиб берди. 11-синф ўқувчиси Хуршид Норбоевнинг 9- ва 11-синф ўқувчилари билан олиб борган машғулоти ҳам ноънавийлиги билан ажралиб турди. Ёшлар йилида болаларда мустақилликни тарбиялашга қаратилган бундай тажрибалар яхши самара берапти. Улар ўз иқтидорларини намойиш этаётганлар.

**Санжот ХУРРАМОВ,**  
Зангиота туманидаги 41-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

### ИФТИХОР ТУЙҒУСИ


Мактабимизда ўқувчиларни эстетик руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Сиз суратда шу мақсад учун педагогларимиз саъй-ҳаракати билан безатилган йўлакларнинг бир қисмини кўриб турибсиз. Хилма-хил гуллар ўқувчилар қалбига ором, қувонч, тетиклик бағишласа, давлатимиз рамзлари, миллий қадриятларимиз ақс эттирилган стендлар улар шуғурига шу азиз ва ягона Ватанимиз – Ўзбекистон билан фахрлини, унга муносиб фарзанд бўлиб етишиш иштиёқини синдиради.

Бу – педагогик жамоамиз амалга ошираётган мақсадли саъй-ҳаракатнинг бир кўриниши, холос. Эстетик тарбия фан ва тўғрақ машғулотида, дарсдан ташқари тадбирларда давом эттирилмоқда. Мактабимиз 2008 йил якуни буйича республикада энг яхши педагогик жамоа деб топилди ҳам бунинг салмоғи катта бўлди. Биз бу ишларимизни яна ҳам кучайтириб, ёш авлод маънавий дунёсини гўзаллаштириш йўлида тинмай ишлаётимиз.

**Муборак ДЎСТАТОВА,**

Бекобод шаҳридаги 16-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

# Таълим: ИСЛОҲОТ ВА САМАРА



### ҲАММА ҲАВАС БИЛАН ҚАРАЙДИ

УЛАРНИНГ ўзларига ярашиб турган ҳарбий кийимда, шахдам қадамлар билан келиб, устозларига ҳарбий ҳиссага мурожаат қилиши четдан туриб кузатаётган ҳар қандай кишини ҳаяжонлантириши табиий.

Чирчиқ шаҳридаги 10-умумтаълим мактабиди 144 нафар ўқувчи ҳарбий йўналиш бўйича таълим олмақда. Улардан 21 нафар чирчиқ шаҳридаги 6-мехрибонлик уйи тарбияланувчиларидир.

Шуни айтиш керакки, маъмур синфларни ташкил этишда мактаб директори Гулфара Валиуллоеванинг хизмати катта бўлди. Ҳарбий таълим синфлари очилар экан, деган гап тарқалганда, тўғриси, кўпчилик ишонмаганди. Гулфара она шундай мураккаб вазиётига ўлдасидан чиқди. У энг аввало ҳарбий синфларни жиҳозлашга катта эътибор қаратди. Ҳарбий машғулотлар ўтиладиган синфлардаги замон талабларига жавоб берадиган ўқув қўлланмалари, компьютерлар, ҳарбий жиҳозлар

ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини оширишда катта аҳамият касб этапти. Машғулотларни ҳарбий билим юртининг малакали ва тажрибали ўқитувчилари олиб боришмоқда. Энг муҳими, ўқувчилар ҳарбий дарслардан ташқари кўл жанги, дзюдо ва бошқа ҳарбий-техник спорт турларини ҳам мукаммал эгаллаб боришапти. Бунда кўл жанги бўйича халқаро тоифали спорт устаси Николай Бошиков каби тажрибали устозларнинг ўрни катта бўляпти. Шунингдек, ҳарбий таълим устозларидан Улғабек Мухиддинов, Рустам Умаровнинг сафда туриши ва унинг йўл-йўриқлари, ҳарбий муносабатлар тўғрисидаги машғулотларни ҳаммаша қизиқарли ўтади. Ойда бир марта амалий машғу-

лотлар Чимёнда ўтказилди. Тоққа чиқиш машғулоти ўқувчиларнинг энг сеvimли дарсига айланган. Вилоятдаги ҳар қандай тадбир, байрам дастурлари, спорт мусобақалари мактабимиз ўқувчиларининг иштирокисиз ўтказилмайди. Айниқса, ёш ҳарбийларнинг кўл жанги, тэквандо бўйича чиқишлари ҳаммада қизиқиш уйғотди. Энг қувончлиси, мактаб тарбияланувчиси Тўрақон Маликов Хитойда бўлиб ўтган тэквандо бўйича жаҳон чемпионати совриндори бўлди. 6-синф ўқувчиси Шоҳрух Орипов – тэквандо бўйича қора белбоғ соҳибидир. Бурҳон Алиқонов ҳамда Бунёд Абдурахимов эса дзюдо йўналиши бўйича спорт устаси деган унвонга эришдилар.

Фарзандларининг мана шундай ютуқларидан ота-оналар ҳам хурсанд.

**Жумабой СУЛТОНБОВ,**  
Чирчиқ шаҳридаги 10-мактаб ўқитувчиси.

### Боалар ёзи

## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

МАКТАБ, лицей ва коллежларда сўнги кўнгируқ жараёнларнинг кун яқинлашмоқда. Ўқувчилар ёзи таътилга чиқишади. Улар ёзни мазмунли ўтказишларини ташкил этиш учун шу кўнларда катталар қизгин

меҳнат қилишапти. Кўйинда болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш ёзи оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш қандай бораётганлиги ҳақидаги материалларни ўқийсиз.

### ТАЪТИЛДА ҲАМ МАКТАБ БАҒРИДА

Абдувосит КАРИМОВ, вилоят халқ таълими бошқармасининг маънавий-ахлоқий ва спорт ишлари бўлими бошлиғи:

Фарзанд тарбияси – ҳаммаша эътибор талаб этадиган муҳим вазиёлардан бири. Санокли кўнлардан кейин болаларимиз орзиқиб кутган таътил мавсуми бошланади. Унинг мазмунли ўтиши, ёзи дам олдириш ҳамда соғломлаштириш ишларини ташкил этиш юзасидан қатор чора-тадбирлар белгиланиб, амалий ишлар олиб боришмоқда.

Бу йил шаҳар-туман мактаблари қошидаги ёзи дам олиш оромгоҳларида 12 минг 600 болақон соғломлаштирилди. Ташкилий ишларимизнинг ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда олиб бориб, мавсумни ҳар жиҳатдан мазмунли ўтказиш учун барча зарур шароитларни яратишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйганмиз. Ҳозир оромгоҳларни ташкилотчи, бош етак-

чи, тарбиячи, мусика, жисмоний тарбия ва тўғрақ раҳбарлари каби малакали педагог-ҳодимлар билан таъминлаш чоралари кўрилиб, уларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш институтларида махсус курслардан ўтиши таъминланапти. Қолаверса, "Ёзи соғломлаштириш оромгоҳларида маънавий ва маърифий тарбия концепцияси" асосида ўқувчиларни ватанпарварлик, миллий қадриятлар руҳида, маънавий ҳиссонан баркамол қилиб тарбиялаш учун барча зарур оималар ишга солинапти. Мавсум давомида тарихий ёдгорликлар, маданият масканлари, мустақиллик йилларида бунёд этилган кўркам ишоотларга, табиат қўйнига саёхатлар ташкил этиш режалаштирилган.

### "Йўлчи"нинг янги қиёфаси

Аъзамжон ЭШМАТОВ, Янгибод йўллар мунтазам фойдаланиш бошқармаси бошлиғи:

Эртанги кўнга умиди кучли одам фарзандларини ардоқлайди, барча имкониятларни ишга солиб, уларни билимли, соғлом, жисмонан бақувват, маънавий баркамол қилиб ютади. Янгибод йўллар мунтазам фойдаланиш бошқармасида бундай ҳақиқатни янгиликлар билан қўллашга ҳар қандай имкониятни қўлдан қўрмайди. Бундан ташқари, уларнинг кўнларида янгиликларни таъминлашга ҳар қандай имкониятни қўлдан қўрмайди. Бундан ташқари, уларнинг кўнларида янгиликларни таъминлашга ҳар қандай имкониятни қўлдан қўрмайди.

кини, янги авлодига воғга етказиш бугунги кўнга жамият ва давлатнинг бутун жамоатчиликнинг иши бўлиб қолди. Бу жараёнда бошқармаимиз йўлсозлари ҳам фойдаланиш роқ этиб, таълим соҳасидаги ишоотларни амалга оширишга баҳоли-қудрат ҳисса қўлишади. Шу кўнларда "Йўлчи" оромгоҳимизни мавсум бошланганига тайёрлашмиш. Ҳозиргина кинолар таъмирланди, ошона жиждалари, ёритиш тизими соҳиланди. Янги маънавий-санитария биноси қуриб битказилди. Махсус ишчилар гуруҳи оромгоҳ

ҳудудида катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишларини бажариб қўйди. Бахтиёр Фозил раҳбарлигидаги 25 кўрувчи-созловчи болалар мириқиб дам олишларини таъминлашнинг кўзлаб, чин кўнгилдан меҳнат қилишди.

Умуман, бошқармаимиз оромгоҳни мавсумга тайёрлаш ва фарзандларимиз ёзни кўнгили ўтказишларини ташкил этиш мақсадларига 20 миллион сўм маблағ ажратди. Биз хоналар учун 100 донна кичик шаффа ҳада этдик. "Автомагистраль" корхонаси эса 20 донна кийим шаффи, йўлкаларга ёзиладиган 100 метр гилам, 30 донна кичик шаффа, 400 донна ўрин ёпқичлари олиб берди.

### БИР ТАРМОҚДА БЕШ ОРОМГОҲ

Ўқтам ТУРҒУНОВ, Ўзбекистон ёқилғи-энергетика маъмури, кимё сановати ва геология ҳодимлари қасаба уюшмаси марказий кенгашининг вилоят вақилиги ташкилий ишлар бўлимининг мудири:

Бизнинг тармоқ қасаба ташкилотини хизмат кўрсатаётган корхона ва муассасалар бешта болалар ёзи оромгоҳига эга. Уларнинг ҳаммаси Бўстонлик туманидаги Оқтош, Чимён, Хўжақент, Хондайлик ва Ангрэн яқинидаги Четсув қишлоқларининг хушманзара, ҳавоси тоза жойларида. Уларни мавсумга тайёрлаш ишлари бугунги кўнга барвақт киришилди. "Ўзбекқумир", "Ўзбекқимё-маш", "Аммофос" очик акциядорлик жамиятлари, "Оқтош қимёгарлар оромгоҳи" масъулияти чекланган жамияти, "Тошкентгазтаъминоти" унитар корхонаси маъмуриятлари катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширмоқда. Чунони, оромгоҳни

да 660 бола дам олдирилади. Бу йил Оролбўйи минтақасидан олиб келинган 150 болани бепул соғломлаштириш ниятидаимиз.

Яна бир янгилик шуки, оромгоҳда болаларни овқатлантириш ишлари мақсадида 270 минг сўмга яқин қўшимча маблағ ажратилди. Умуман, кичкинтойлар ёзни хушвақт, ўйнаб-қулиб ўтказишлари учун ташаббускор, изланувчан тарбиячи ва етакчилар ишга жалб қилинди. Улар болаларни экскурсияларга олиб боришади, турли кўнроқ тадбирлар ташкил этишади. Қисқаси "Йўлчи"да ўтган ҳар бир кўн болалар хотирасида унутилмас из қолдиради.

### Танлов

### «НИҲОЛ» ГОЛИБ ЧИҚДИ

РЕСПУБЛИКА ўқувчилар саройида Халқ таълими вазири раҳбарлигида "Марказий Осёба гиёҳванд моддалар айлансинининг олдини олиш дастури" доирасида умумтаълим мактаблари ўқувчи-ёшларининг "Гиёҳвандлик ва ОИТС – умр заволи" мавзуда республика кўрик танлови якуний босқичи бўлиб ўтди.

Дастурнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, унинг лойиҳаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастури томонидан ижро этилиб, Европа Иттифокнинг молиявий кўмаги асосида амалга оширилди. Танловда республика ҳудудлараро вилоятлар голиб жамоалари ўшбу иллатларнинг жамият учун келтиражак зиёни ҳамда унга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини ифодолоччи саҳна кўринишлари, мавзу юзасидан берилган саволларга жавоблар ҳамда жамоа томонидан тайёрланган деворий газетани шарҳлаб бериш каби шартларни бажаришди.

Якуний натижаларга кўра, Тошкент туманидаги 25-умумтаълим мактабининг "Ниҳол" жамоаси мутлақ голиб деб топилди. Танлов якунида вилоятимиз голиб жамоасининг ҳар бир аъзоси "Samsun" телевидиориди, "Болалар" энциклопедияси ҳамда фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Ҳақим САМИФОВ.

### БАРҲАЁТ АНЪАНАЛАР

Ёшлар ўртасида халқимизнинг қадимий урф-одатлари, удумлари, айнакча, фольклор санъатини кенг тарғиб қилимай туриб, уларни миллий руҳда тарбиялаб бўлмайди. Маънавий етуқ ёшларига ўз аجدодларига муносиб авлод бўла олади.

Коллекчимизда ўтказилган "Барҳаёт айналар" фольклор фестивал-танлови ҳам ана шу мақсадда ташкил этилди. Унда Тошкент ва Қўриқчилик туманларидаги касб-хўна қўлчилари ўқувчилари катнашдилар. Иштирокчилар томонидан ижро этилган "Хилла ёрим", "Алла", "Омон ёр", "Келин салом" қўшиқлари ҳамда "Андижонча" рақо кўпчиликча манзур бўлди. Бундай тадбирлар ёшларнинг халқимиз тарихига, урф-одатларига, миллий қўшиқчилик санъатимизга бўлган қизиқишини янада орттирапти. Энг муҳими, турли миллат ёшлари ўртасида дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамламоқда.

Фестиваль-танлов якунида Барно Бадалова, Гулнора Мўминова, Дилнора Жўраева, Назоқат Эшонқуллова, Дилшод Мирсаломов сингари ўқувчилар голиб деб топилди.

**Мухаббат АБДУЛЛАЕВА,**  
Кибрай тумани Байтқўрган хизмат кўрсатиш ва иқтисодий касб-хўна коллежи директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари.

### Бола – бошидан

## Қўғирчоқдан ўйинчоқ компьютергача

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҳар томонлама соғлом ва маънавий баркамол бўлиб ўлғайишларида мактабгача таълим муассасаларининг аҳамияти катта. Бола тарбияси ўта назик ва мураккаб жараён. Шу боис биз жамоамизга билимли ва малакали тарбиячиларни жалб этишимиз. Боғчамиз мусика ва тасвирий санъатга йўналтирилган, ҳозир барча гуруҳларимизда 120 нафар бола тарбияланипти.

Маълуки, бола қалбиди она Ватанга, табиатга муҳаббат жуда барвақт шакллана бошлади. Биз болаларга гўдакликдан қандай таълим-тарбия берсак, бир кўн келиб, унинг мевасини то-тамиз. Шу боис фарзандларимизни боғча ёшдан бошлабқоқ билимли, жисмонан ва маънавий етуқ қилиб тарбиялашга жиҳдий эътибор қаратаемиз.

Боғчамизда кичкинтойлар учун ихчамгина музей ташкил этилди. Ундан юртинимиз тарихига оид нодир бўномлар, ноёб

монавий қўғирчоқлардан тортиб, ўйинчоқ компьютергача бор. Кичкинтойлар компьютер уйнашга ниҳоятда қизиқишади. Яна замонавий қўғирчоқларга ҳам бафрак эмаслар. Яқинда боғчага яна бир талай ўйинчоқлар келтирилди. Уларнинг орасида миллий қўғирчоқлар кўп. Болаларларга эътибор қилишим, ҳўш, улар қандай ўйинчоқларни танлар экан? Кузатиб турсам, қизалоқлар ўзбекча миллий либосдаги қўғирчоқларни, ўйил болалар эса турли шаклларида янгиб-қуриладиган ўйинчоқларни танлашди. Ана шу қизиқишларини сўндиришга имконият яратишга ҳақиқатан ҳам зарурлиги ҳақида ўйладим. Боғчамизни хилма-хил замонавий ўйинчоқлар билан боғиштиришга ҳомийларимиз катта ҳисса

қўшиляпти. Ота-оналардан Барно Аҳмаджонова, Нарғиза Ёқубова бу борада алоҳида ташаббус кўрсатиб, боғчамизга кўп қўғирчоқлар совға қилишди. Кичкинтойларнинг мусикага қизиқишларини қўйиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Бунинг учун кўпроқ миллий куй ва қўшиқларни танлаётимиз. Мақсад кичкинтойларимизда ўзбек мўмтоз куй ва қўшиқларига муҳаббат уйғотишдир. Тасвирий санъат гуруҳларидаги машғулотларда болаларга расм чизишни ўргатаемиз. Бу болалар учун қизиқарлидир. Улар ўз расмларида асосан табиат, ҳайвонот оламини тасвирляшади.

Бугун кўпчилик ёшларимиз миллий либослар урнига хорижий кийимларни кийишга одат-

ланмоқда. Яқинда боғчамизда "Миллий либослар" кўрик-танлови ўтказилди. Унда болалар турли миллатларнинг либосларини намойиш қилдилар. Танловда ўзимизнинг либосларимиз ҳам болаларимиздан қўлимаслигини жажжи болақонларга кўрсатдик. Бундай танловлар болалар маънавиятини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Шу боис биз болаларни тарбиялашда миллийликка кўпроқ эътибор беришимизга ҳар қандай шароитлардан Раъно Юсупова, Дилноза Зокированинг изланувчанлиги яхши самара берапти.

**Нарғиза ТУРСУНОВА,**  
Кибрай туманидаги 20-мактабгача таълим муассасаси мудираси.



Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» муҳбирлари Жўра САЪДУЛЛАЕВ, Улғабек ҲАМРОКУЛОВ, Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, Еркебой БОТИРОВ (суратлар) тайёрлашди.

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

Енгил атлетика бўйича уч хатлаб сакраш беллашуварларида яна бир вакилимиз Илбас Абдуллаев ўсмирлар ўртасида шохсупнинг юқори погонасини эгаллади.

Балки ўзимизда бор техник ва тактик тайёргарликни, куч ва имкониятни тўғри йўналишга ҳаракат қилдик. Қолаверса, ўйинчиларимиздаги ўзаро ҳамжиҳатлик ва бир мақсад йўлида ҳаракат қилиш бизга кўмак берди.



СПОРТЧИ ОИЛАЛАР - МАЙДОНДА



ОИЛАЛАРДА СОҒЛОМ турмуш тарзини шакллантиришда "Отам, онам ва мен - спортчилар оиласи" мусобақалари катта роль ўйнамоқда. Ана шундай мусобақаларнинг навбатдаси Қўбрай туманидаги Байтўғрон хизмат кўрсатиш ва иқтисодий касб-хўнар коллежиде бўлиб ўтди.



СУРАТААРАА: мусобақалар давомида иштирокчилар спорт катта куч эканлигига амин бўлишди.

Мусобақада 6 та оила ўзаро баҳс юритиш учун майдонга тушишди. Катнашчилар узок ва яқин масофаларга югуриш, узунликка сакраш, тўпни баскетбол тўрига тушириш ҳамда белгиланган жойга улоқтириш шартларини бажаришди. Барча шартларни қойилмақом қилиб бажарган байтўғронлик Қосимовлар оиласи олий совринни қўлга киритди. Қипчоқ қишлоқ фуқаролар йиғинидан Алимбетовлар биринчи, соларлик Шодраимовлар иккинчи ҳамда янгиободлик Хайруллаевлар ва Тузель қишлоғидан Адхамовлар оилалари учинчи ўринни эгаллашди.

ЯНГИ ЮЛДУЗЛАР КАШФ ЭТИЛДИ

миз пойтахтликларга қарши майдонга тушишди. Узок давом этган учрашув 25:19 ҳисоби билан вакилларимиз фойдасига хал бўлди. Қўзлар ўртасида голибликка даъвогарлик қилаётганлар рўйхатиغا вилоятимиз вакиллари ҳам киритилган эди. Улар барча кучли рақибларини доғда қолдириб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

кидабда 7 нафар ўсмир ва 7 нафар қизимизнинг шижоати сабабли улар умумжамоа ҳисобида 2-ўринни ҳамда теннис билан ҳам мунтазам шўғулланиб келмоқда. У тенгдошлари қатори Нукус шаҳрига отланганида катта ютуқларни қўзлаб, ахши ниятлар қилганди. Унинг ахши нияти ўзига йўлдош бўлди. У теннис мусобақаларида шохсупнинг иккинчи погонасини эгаллаб, қумуш медал сохибаси бўлди.

учун катта таассуротлар билан қайтапман, - дейди у. - Қорақалпоқ ёшларнинг спортга бўлган интилишлари бизникидан кам эмас экан. Насиб этса, бу ерларга яна келиш ниятим бор. Шундай қилиб, Орол бўйлариде муносиб тайёргарлик ва юксак савияда ўтказилган "Баркамол авлод" спорт ўйинлари ниҳоясига етди. Мусобақалар якунланган бўлсада, ундан қолган фараҳбахш таассуротлар ёшлар шуурида мангу сақланади, унда кашф этилган янги спорт юлдузлари эса келажакда Ватанимиз шўхратини янада юксак чўққиларга кўтаришга хизмат қилишади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хурида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

ЭРТАК ДАВОМ ЭТАДИ



Оғир дарддан энди ўнглаётганим. Кун пешинга яқинлашганида ҳовлига чиқдим. Ҳаммаёқ оппоқ кор. Изгирин юзни чимчилайди. - Бува, буважон, - неварам қорда йўқлиб-суриниб келарди. - Жийдаларни кесиб кетишибди. Юринг, соҳилга юринг. Узингиз кўрасиз. Ҳаммасини ўтинга олиб кетишибди, - оппоқ корга беланган неварам хўрсиниб, ўқиниб йилларди.

Баҳорда ўзанига сиймай, пишириб, ёзда шарқираб, кузда эса сокин оқувчи дарё, унинг соҳили, ўтлоқлар қадтдай кўриниб турарди. Биз, болакайлар атрофи чангитиб, соҳилда, тепаликларда иштончанг югуришардик. Кампир эса бақирарди: - Ҳой, эҳтиёт бўлинглар-а! Жарликдан йўқиласанлар-а.

лари олиб келдим. Биз, ўйинқароқ тўқай болалари уни экидик. Ёз бўйи челақлаб ташиб, сув куйдик. Ниҳоллар баравж, гуркираб ўсди. Жамки дов-дарактлар гулини ташлаб бўлганида жийдалар гулларди. Бу ҳол ҳар йили баҳор сўнгида тақрорланади. Ана шундай баҳор фаслининг сўнги кунларининг бирида Мардона буви оламдан ўтди. Унинг жанозаси гуллаб турган жийдалар тағида ўқилди. Ушанда мен ўсмир эдим. Кўп нарсани тушунмаган эканман. Қишлоғимиз мулласи унинг ўғиллари жанозасини ҳам шу ерда ўқиган экан.

Юрагимда аввалгиларидан ҳам каттироқ санчи сездим. Ҳаво етишмай қолди...

ҲИКОЯ

кириб югурувчи, ёзиниқин сувга шўнғиб, балик тутувчи, кузда шу жийда меваларини териб берувчи уч бола, овозлари дўриллаган, баданлари кўёшда қорайган, бақувват, меҳрибон, тўқайдан қирғовул оловчи уч навқирон йигит тўғрисида эринмай гапириб беришди. Биз Мардона бувининг айтганларини тинглаб эканмиз, у эртак айтаяпти, деб ўйлардик. Аслини олганда, бизнинг эшитганларимиз эртак ҳам, ҳикоя ҳам эмас. Уч ўғил доғи - она қалби оғриқлари экан.

Бир ой шифохонада даволандим. Баҳор ҳам келди. Кўнглим дарё бўйига тортарди. Лекин боролмасдим. Юрагим чидайди, деб қўрқардим. «Жийдалар йўқ тепаликка қандай қарайман?» - Соҳилга бораёйлик, бува, - деди бир кун неварам эркаланиб. Унамидим. - Сизни тепаликка кутаямиз. - Ким кутаяпти? - Ҳаммамиз. Эртакларингизни жуда соғиндик. Узимни қўлга олиб, юрагимни ҳовулаб, унга эргашдим. Соҳилга яқинлашдим-у, ҳайратдан тўхтаб қолдим. Тепаликда ёш жийда ниҳолларнинг майда багълари майин шабодда енгил хил-пирарди. - Жийдазор, жийдазорку, - дедим севинчдан энтиқиб. Қалбан тепаликка интилардим. Жийдазор ичидан менга қўл силкитишарди. Улар кўнчилиқ эдилар. Тепаликка чиқа олмадим. Лекин, кўч-қувватга тўлгандай эдим. Кўнглим ёғу эди. «Жийдазорга чиқимши шартмикин?» савол берардим ўзимга-ўзим. Юрагимда таскин бор эди: - Эртани энди у ердаян айтишар...

Тендер ташкилотчиси - Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ.

Дўрмон ҳангомалари

РАИСНИНГ ЗҶРИ

Халқ ёзувчиларидан биринчи юбилей зиёфатида кайфи ошироқ қолган таниқли шоир хархаша қилиб, «Кечага мен раисман», дея микрофонни қўлга олиб, ҳеч кимга гап бермайдди. Асов тойке гижинглаб, олдида келгани «тишлаб», орқадан келгани «тепиб» дегандек, ҳамманинг асабини эговлайверарди. Ҳеч кимнинг гапи кор қилмайдди. Ахийри Эркин ака бир амаллаб унинг қўлидан микрофонни олади-ю, шундай дейди: - Раиснинг зўри - Ҳамманинг зўри.

СИПОҶЛАР ЗАЛВОРИ БЎЛСА...

Санъат ва шахмат муҳлиси Иброҳим Мусаев кенг, файзли ҳовлисидаги ўрик соясига ҳудди истироҳат боғларидаги каби махсус шахмат ўйнайдиган жой қилишни режалаштиради. Мўлжалча, шахмат тахтасти ўрнида чиройли, рангли хорижий кафеллар қўйилиши, шахмат доналари ҳам салмоқли-залворли, пиёдалар камиде келиннинг сопи-дек бўлиши лозим эди. Иброҳим ака мақсадини эски кадрони, севимли шоиримиз, шахмат бўйича икки қарра Чорвоқ чемпиони Эркин Воҳидовга айтди. Шоир режани астойдил маъқуллаб, шундай дейди: - Яхши ўйлабсиз, Иброҳимжон! Бунақа жойда менга Раҳматилла билан шахмат ўйнаш, айниқса, осон бўлади. - Нега энди? - Сипоҳлар залворли бўлса, Раҳматилла юришичи қайтариб ололмайдиде-да! Ушбу хангома кулгоғига етган Раҳматилла ака шундай лутф қилган эди: - Мабодро рақибим жаҳлини чиқарса, ўша залворли сипоҳлар билан бошига тушириб қолишим ҳам мумкин!

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичиде) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2008 йил 20 июнь куни соат 16.00 да очиқ тендер ўтказилади

- 1. ВХ-545 й.т. "Ғазалкент АШБ - Абай қ.ф.й."
2. ВХ-442 й.т. "Тўйтепа АШБ - Туябўғиз кўрғони"
3. ВХ-467 й.т. "Ўзбекистон темир йўл станцияси - Чилонзор 25-дахаси"
4. ВХ-509 й.т. "Чирчиқ АШБ - Беленожко АШБ (ТТЗ)"
5. ВХ-463 й.т. "Зангиота мақбараси - Жанубий вокзал АШБ"
6. ВХ-464 й.т. "Богзор кўрғони - Ширин АШБ"
7. ВХ-377 й.т. "Ободон маҳалласи - Кўйлик АШБ"
8. Битта пакет билан: (икки томондан) ВХ-501 й.т. "Югнакий даҳаси (ТТЗ) - Мой қишлоғи" ВХ-517 й.т. "Тузель қишлоғи - Чкалов ТАИЧБ" ВХ-494 "Бурота қишлоғи - Беленожко АШБ (ТТЗ)"



Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан катъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобиде турувчи ва автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоят ичиде йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин. Тендер ташкилотчиси - Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Ташкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2008 йил 3 мартдаги 43-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичиде) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси. Комиссия манзили: Ташкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси, 4/68-уй. Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичиде) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тендер ўтказиш манзили: Ташкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Корасув мавзеси, "Вилоят штаби" мажлислар залида. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

Адабий мерос

ЗАМОНЛАР ўзгармоқда, авлодлар янги-янги бўлимоқда, лекин Навоий бобомизнинг ижоди ҳақиқат қизиқига ҳамоно кучли. Унинг ёшларини ҳозирги ёшларимиз ҳам чуқур ўрганиш билан бирга ўз дунёқарашларини бойитиб бормоқда.



НАВОИЙ ИЖОДИДА ЁШЛАР МАВЗУСИ

Навоий ижоди туганмас бўлоқ, Ундан сув ичсини истаган ҳар бир ёш Навоий асарларини бирма-бир зеҳн билан ўқимоғи керак. Навоий болалигиданок китобга ошно бўлди. "Гулистон", "Бўстон", Шайх Фариддин Атторнинг "Мантик ут-тайр" - Қўш тили" дostonлари унинг қўлидан тушмасди. Навоий ўша кунлар ҳақида эслар экан: Ондин ўзига сўзга майлими оз эди, Қўш тили бирла қўнглим ҳамроз эди - деб ёзди.

хает йўллари мисолида амал-ақошроқлари лозим. Зотан, ота-она ризолигини олиб, мустақил юртимизда меҳнат қилаётган фидойи ёшларимиз сафи тобора ошилди бормоқда. Ҳаётга тейран кўз билан қараш, яратилган ҳақиқат билан аша ва маънавий қудратга эга бўлиш ҳар бир ёшнинг умр мазмунини белгиллаши керак. Бунинг учун иштилош, иланиш ва ўрганиш ҳамда илм олиш фарзидир. Ёшларимизнинг ҳар бир ишини қўллаб-қувватлагувчи, аввало, халқдир. Шунинг учун улар халқнинг қудратига қўл оладилар, элимизга муносиб фарзанд бўлмоқликка интиладилар. Бугунги кунда ёшларимизга касб-хўнар эгаллашлари учун имкониятлар эшити кенг олдиди. Шаҳар қишлоқларимиздаги бир-биридан қўрақ коллежларда минглаб тенгдошларимиз илм ўрганиб, касб эгалламоқдалар. Навоий бобомиз ёзади: Ийгиликда йиг илмининг мағзини, Қарилки чоғи харж қил ани. Унинг мана бу мисралари ҳам гўёки биз учун ёзилгандек: Илм ўқиб, Қилмоғон амал мақбул - Дона соҳиб, Кўтармади маҳсул. Ҳунарсиз киши ҳеч қачон бутун бахтга эришолмайди, бахтли ҳаёт кеңиролмайди: Йўқ хунари ёлғиз эса юз киши, Қайда киши сониде ёлғиз киши. Навоий бобомиз ижодида биз ёшларни Ватанга, элимизга ва ота-онамизга муносиб фарзанд бўлишга жордовчи ҳикматли сўзлар ҳудуд кўп. Умчас чирқоқ айланган ушбу сўзлар йўлимизни доимо ёритиб тураверарди.

Унинг мана бу мисралари ҳам гўёки биз учун ёзилгандек: Илм ўқиб, Қилмоғон амал мақбул - Дона соҳиб, Кўтармади маҳсул. Ҳунарсиз киши ҳеч қачон бутун бахтга эришолмайди, бахтли ҳаёт кеңиролмайди: Йўқ хунари ёлғиз эса юз киши, Қайда киши сониде ёлғиз киши. Навоий бобомиз ижодида биз ёшларни Ватанга, элимизга ва ота-онамизга муносиб фарзанд бўлишга жордовчи ҳикматли сўзлар ҳудуд кўп. Умчас чирқоқ айланган ушбу сўзлар йўлимизни доимо ёритиб тураверарди.

Зилола ФОЗИЛОВА, ЎЗМУ талабаси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Баш муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.